

Хар бир пайкайдиган одам билса керак: кулги ўзи бир мастлик эканини, хар бир маст кишидан гофиллик кўп ўтишини, хар бир мастнинг сўйлаган кезида бошни огритиши- ни. Кулгига каттик берилган киши на тирик- чилик, на ақл, на уят билан иши бор, умрини гофиллик билан ўтказди. Гофиллиги сабаб кўп хатолар килган бундай кишининг, ўлма- са, бу дунёда, ўлса, охиратда боши огримай колмаса керак.

Хар бир кайгу-хасрат огушида юрадиган ўйчил одам дунё тирикчилигида хам, охират юмушларида хам ўзгалардан йигнакрок бўлади. Хар бир йигноклик охири кенгиш бўлса керак. Доимо кайгу-хасратда юра оламизми ўзи? Доимо кулмай юришга жон чидай олар- микин? Йўк, мен доим кайгу-хасратда бўл демайман. Лекин кайгу-хасратсизлигимиздан кайгу-хасрат килиб, кайгу-хасратсизликдан кутулиш йўлини излаш ва топиш керак. Хар бир ўринли харакатнинг ўзи-да кайгу-хасратни озайтади, кайгу-хасратни ўринсиз кулги билан озайтма, ўринли харакат билан озайт!

Чикар эшигини топа олмай, кайгу-хасрат- нинг ичига кириб олиб, камалиб олишнинг ўзи хам бир онтурганлик. Яна хар бир ёмон кишининг килигига кулсанг, ундан рохат- ланиб кулма, изза бўлганидан кул, иззали кулгининг ўзида кайгу бор. Шунда бундай кулгили холга ўзинг хеч тушмайсан, хар бир яхши одамнинг яхшилик топганига рохатла- ниб кулсанг, унинг яхшиликни яхшилигидан топганидан ибрат олиб кул. Хар бир ибрат олмокнинг ўзи кишини мастликдан, гофил- ликдан саклайди, вақтида тўхтатади. Кўп кул- гининг баринида мактаганим йўк, уларнинг ичида бир кулги борки, у Худо яратган, ўрни билан ичдан, кўкракдан, юракдан чикмайди, балки кўлдан ясаиб, бет-огзини сиртдан ту- заб, асл кулгининг охангига ўхшатиб, яхши кўриниш учун кулинадиган бўяма кулгидир.

Одам боласи йиглаб тугилади, койиниб ўлади. Икки ўртада, бу дунё рохатининг кай- да эканини билмай, бири-бирини ангниб, би- ри-бирига мактаниб, асл умрни эътиборсиз, бекорга, ярамас киликлар билан хор килиб ўтказди-да, умр сўнгида бор молини сотиб хам бир кунлик умрни топа олмайди.

Кувлик килиш, кўз сузиб, тиланиб, одамдан фойдаланиш – хунарсиз итнинг иши. Аввало, Худога сизиниб, иккинчи, ўз гайратингга суя- ниб, мехнатингга ишон, мехнат килсанг, кора ер хам беради, курук кўймайди.